IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада – 6 836,2 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми – 687,7 миллион АҚШ долларини) ҳамда 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,2 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари ва мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши
(2020 йил январь-сентябрь)

	Жами	*шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича:*	
		давлат	*нодавлат*
Жами инвестициялар, *млрд. сўм*	6 836,2	767,9	6 068,3
шу жумладан: молиялаштириш манбалари бўйича:			
давлат бюджети маблағлари	442,1	441,5	0,6
Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	193,4	193,4	-
корхоналар ва аҳоли маблағлари	3 649,2	118,0	3 531,2
чет эл инвестициялари ва кредитлари	2 063,2	10,5	2 052,7
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	488,3	4,5	483,8
Тикланиш ва тараққиёт фонди	-	-	-

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Жиззах вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

2020 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар

(млрд. сўм)

	Январь-сентябрь			
	2019 й.	*Умумий ҳажмга нисбатан фоизда*	*2020 й.*	*Умумий ҳажмга нисбатан фоизда*
Жами	**5 784,9**	**100,0**	**6 836,2**	**100,0**
шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 316,0	22,7	868,2	12,7

давоми

	Январь-сентябрь			
	2019 й.	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда	2020 й.	Умумий ҳажмга нисбатан фоизда
тоғ–кон саноати	41,2	0,7	413,8	6,1
ишлаб чиқариш саноати	2 282,5	39,5	3393,8	49,6
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	48,7	0,8	57,9	0,8
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	263,5	4,6	327,1	4,8
қурилиш	82,3	1,4	221,4	3,2
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлаш	145,3	2,5	431,4	6,3
ташиш ва сақлаш	108,5	1,9	123,5	1,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	13,1	0,2	5,3	0,1
ахборот ва алоқа	23,1	0,4	43,6	0,6
молиявий ва суғурта фаолияти	13,5	0,2	21,4	0,3
профессионал, илмий ва техник фаолият	43,7	0,8	69,1	1,0
таълим	241,0	4,2	169,5	2,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	79,5	1,4	97,9	1,5
Бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари: турар – жой бинолари қурилишига инвестициялар	627,8	10,9	435,0	6,4
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	80,7	1,4	19,6	0,3
бошқа фаолият турлари	374,5	6,4	137,7	2,0

Иқтисодий фаолият турлари бўйича тоғ-кон саноатида – 413,8 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 6,1 %), ишлаб чиқариш саноатида – 3 393,8 млрд. сўм, (49,6 %) шундан озиқ-овқат маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқаришда – 511,3 млрд. сўм (7,4 %), бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришда – 2479,5 млрд. сўм (36,2 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда – 57,9 млрд. сўм (0,8 %), қурилишда – 221,4 млрд. сўм (3,2 %), ташиш ва сақлашда – 123,5 млрд. сўм (1,8 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоцикларни таъмирлашда – 431,4 млрд. сўм (6,3 %), ахборот ва алоқада 43,6 млрд. сўм (0,6 %), профессионал, илмий ва техник фаолиятда – 69,1 млрд. сўм (1,0 %), таълимда – 169,5 млрд. сўм (2,5 %), бошқа иқтисодий фаолият турларидан ташқари турар жой бинолари қурилишида – 435,0 млрд. сўмлик (6,4 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 2 063,2 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 60,5 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби

(2020 йилнинг январь-сентябрида)

	Умумий ҳажми (млрд. сўм)	*Шу жумладан:*	
		давлат кафолати остида	*тўғридан-тўғри ва бошқалар*
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	**2 063,2**	**145,8**	**1 917,4**
шу жумладан:			
давлат	10,4	10,4	-
нодавлат	2 052,8	135,4	1 917,4

Ҳисобот даврида вилоят бўйича тўғридан – тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг, нодавлат секторига киритилган жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажмидаги улуши 100,0 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши ишлаб чиқариш саноатига тўғри келиб, жами хорижий инвестициялар ҳажмидан – 57,7 фоизни ташкил қилган ва 2019 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 5,0 фоизга камайган, мос равишда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилиқ хўжалигида – 11,8 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларидан марказлашган инвестициялар таркиби

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларидан марказлашмаган инвестициялар таркиби



2020 йил январь-сентябрь ойларида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми шаҳар ва туманлар кесимида қуйидагича ифодаланган

	Инвестициялар ҳажми млрд.сўм	*Ўсиш суръати, % да*	*Аҳоли жон боши (минг сўм)*	*Ўсиш суръати, % да*
Жиззах вилояти	**6 836,2**	**107,2**	**4 908,9**	**104,9**
шаҳар:				
Жиззах	2 590,5	111,7	14 496,4	126,7
туманлар:				
Арнасой	409,2	108,7	8 876,4	93,8
Бахмал	91,5	102,1	582,1	56,3
Ғаллаорол	158,1	103,4	915,5	46,4
Шароф Рашидов	395,1	104,8	1 775,7	96,3
Дўстлик	86,4	103,2	1 313,1	33,5
Зомин	267,5	114,2	1 623,2	51,3
Зарбдор	135,2	106,1	1 559,4	57,8
Зафаробод	435,1	103,1	8 684,6	57,7
Мирзачўл	213,1	103,1	4 098,1	69,4
Пахтакор	345,0	102,3	4 612,3	156,9
Фориш	1 653,0	103,4	17 793,3	2,3 м.
Янгиобод	56,5	105,5	1 996,5	45,4

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Уй–жой қурилишида 435,0 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди ёки жами инвестициялар ҳажмининг 6,4 фоизни ташкил қилди.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан фойдаланишга топширилган турар-жой ва ижтимоий соҳа объектлари

	Барча манбалар ҳисобидан			
	Фойдаланишга топширилди		*2019 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда*	
	жами	*шу жумладан: қишлоқ жойларда*	*жами*	*шу жумладан: қишлоқ жойларда*
Уй–жой, умумий майдони минг кв.м	418,6	257,8	87,6	78,8
ундан: якка тартибдаги уй–жойлар	406,2	255,5	99,1	93,4
якка тартибдаги уй–жойлар намунавий лойиҳалар бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларда	12,4	2,3	18,2	4,2
Умумий таълим ва махсус мактаблар, *ўқувчилар сони*	2436	1146	42,2	-
Сув тармоқлари, *км*	154,0	96,0	103,4	107,0
Газ тармоқлари, *км*	24,9	11,4	103,3	2,2 м.

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий майдони 418,6 минг кв м бўлган 2,6 мингта уй ёки 2,6 мингта квартира (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 91,8 %), шу жумладан қишлоқ жойларида 257,8 минг кв м (78,8 %) майдонга эга 1,7 мингта уй-жой фойдаланишга топширилди.

Коммунал қурилишда 154,0 км сув тармоқлари (96,0 км қишлоқ жойларда) ва 24,9 км газ тармоқлари (11,4 км қишлоқ жойларда) ишга туширилиб, мос равишда 2019 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 103,4 ва 103,3 фоизни, қишлоқ жойларда эса бу кўрсаткич сув тармоқлари 107,0 фоизни, газ тармоқлари 215,0 фоизни ташкил қилди.

Сув тармоқлари қурилишига 12,1 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 1,0 млрд. сўм (8,3 %) ва чет эл инвестициялари кредити маблағлари ҳисобидан 11,0 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 90,9 %) ҳамда молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобидан 0,1 млрд. сўм, (умумий ҳажмнинг 0,8 %) ўзлаштирилди.

Газ тармоқлари қурилишига 2,5 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобидан 2,5 млрд. сўм (умумий ҳажмнинг 100,0 %) ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 2 180,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 273,3 фоизни ташкил этди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби,
млрд. сўмда

	январь-сентябрь	
	2019 йил	*2020 йил*
Қурилиш ишлари ҳажми	**1 932,1**	**2 180,2**
шу жумладан:		
давлат	44,2	52,1
нодавлат	1 887,9	2 128,1

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 2 128,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 97,6 фоизини ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан % да)



Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 10,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 7,3 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 80,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келди.

Ҳисобот даврида Жиззах вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 2180,2 млрд. сўм нодавлат секторининг улуши 97,6 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 96,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга 3,5 фоизи эса, капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми, *млрд. сўмда*



Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми қурилиш лойҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Уларнинг улуши жами қурилиш ишлари ҳажмида 82,6 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос давридаги кўрсатгичга нисбатан 1,6 фоиз пунктга кўпайди.

Фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ҳажми жорий даврда 10,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 фоиз пунктга камайди.

Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳиссасига 7,3 фоизи тўғри келиб, ўтган йилдаги кўрсатгичга нисбатан 0,4 фоиз пунктга камайди.

2020 йил январь-сентябрь ойларида туман(шаҳар)лар кесимида қурилиш ишларининг корхоналар тоифаси бўйича улуши

(жамига нисбатан % да)



Йирик пудрат корхоналари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг улуши – 3,6 фоизни ташкил этди. Вилоятда асосан қурилиш ишларининг асосий қисми кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилиб, жами қурилиш ишларининг – 75,9 фоизини ташкил этди. Норасмий сектор томонидан эса, – 20,5 фоизга қурилиш ишлари бажарилди.

Вилоятда кичик корхона ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишларининг энг юқори улуши Жиззах шаҳрига тўғри келди – 83,5 фоиз. Мазкур ҳудудда норасмий секторнинг улуши – 11,0 фоизни ташкил этди.